


323
М 50

МИЛЛИЙ
ИСТИҚЛОЛ ГОЯСИ:
АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР

“ЎЗБЕКИСТОН”

**МИЛЛИЙ
ИСТИҚЛОЛ ГОЯСИ:
АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР**



ТОШКЕНТ-ЎЗБЕКИСТОН- 2001

66.3 (5y)

M50

ISBN 5-640-02889-0

**K 0301020000-6
M 351 (04) 2001 2001**

© “

шриёти, 2001 й.

“Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақилиги ва эркинлигига, анъана ва урфодатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан хукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар.

Шу маънода, бундай хавф-хатарларга қарши асосий қурол сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак дараҷага кўтаришнинг аҳамияти беқиёсdir”.

Ислом КАРИМОВ

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳалари қатори маънавий-мафкуравий ҳәётимизда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда.

Мустақил тараққиёт йилларида тўпланган тажриба, дунё жамоатчилиги ўзбек модели дея эътироф этган ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўли — келажаги буюк давлат барпо этиш борасида амалга оширилаётган барча тарихий ўзгариш ва янгиланишлар юртдошларимиз қалби, онги ва шуурига улкан таъсир кўрсатмоқда.

Олдимизга кўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга этиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши турга оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкура ни шакллантиришни тақозо этмоқда.

Ўзининг ҳәётини, олдига кўйган мақсадлари ни аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайгурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва

жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши мұқаррар.

Миллий мафкура халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суюнч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган ақл-заковат, иймон-эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёkdir.

Истиқдол мафкураси кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг эзгу фоя — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради.

Миллий фоя ва истиқдол мафкураси ҳақида гап борар экан, биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб, серқирра, инсоният тарихида аниқ ва мукаммал ифодаси, тугал намунаси ҳали-ҳануз яратилмаган тушунчаларни ўзимизга тасаввур қилишимиз керак, деб ўйлайман. Бу тушунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак фояларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишга хизмат қиласиди.

Бу мафкура халқни халқ, миллатни миллат этадиган, унинг шаъну шарафи, ор-номуси, ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, жамиятизмнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил

ривожланиб, та комиллашиб борадиган ғоялар ти-
зимиидир.

Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар
сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган,
миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир
фуқаронинг ягона Ватан баҳт-саодати учун дои-
мо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодла-
римизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва
анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш,
юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбия-
лаш, уларни яратувчилик ишларига даъват
қилиш, шу муқаддас замин учун фидоийликни
ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқбол
мафкурасининг бош мақсадидир.

Шу билан бирга, мен миллий истиқбол ғояси
буғунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳлика-
ли дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимли-
гимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига,
неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва
қадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшашга,
бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадри-
ятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан
озиклантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етка-
зишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан.

Ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, авва-
ло, ўсиб-униб келаётган ёш авлодимиз онги ва
қалбida мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш
муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни бамисоли ёш ни-
ҳолга мевали дарахт куртагини пайванҷ қилади-
ган уста боғбондек нозиклик ва меҳр билан,
оқилона йўл билан амалга ошириш лозим.

Бугунги ижтимоий тараққиёт, информацион
инқилоб, глобаллашув жараёнлари, жаҳон май-

донларини таъсир ўтказиш мақсадида бўлиб олишга интилиш, бу майдонлардаги ўзаро кураш шароитида мафкуравий сиёсатнинг аҳамияти ва ўрни нақадар ортиб бораётганини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Собиқ иттифоқ ҳудудидаги бугунги мафкуравий вазият, бу шароитда Марказий Осиё минтақасидаги аҳвол, бегона мафкура ва ғояларнинг Ўзбекистон ва қўшни давлатларга хуружи, эски мафкурадан воз кечиши натижасида пайдо бўлган бўшлиқни янги — миллий ғоя, истиқлол мафкураси билан тўлдиришнинг зарурати барчамизга аён бўлиши даркор.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси юртимизда яшаётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунё-қарашининг негизига айланишига эришиш биз учун энг асосий мақсаддир.

Эндиgi вазифамиз шундан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёллиларимиз, илм-фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мафкурани такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамоилиларини одамлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур. Маърифатпарвар шоирларимиздан бирининг сўзларини бир оз ўзгартириб айтадиган бўлсак, бу борада барчамиз учун фикрлаш ва ишлаш замони келди.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

I. МИЛЛИЙ ФОЯ ВА МАФКУРАЛАР ТАРИХИДАН

1. Фоя ва мафкура тушунчаларининг мазмун-моҳияти

Инсоният тарихи — фоялар тарихидир.

Фоя — инсон тафаккури маҳсули, миллий фоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Миллий фоя — инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуудидир.

Мафкура эса муайян ижтимоий гурӯҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган фоялар тизимидир.

Ҳар қандай тушунча, фикр ва қараш ҳам миллий фоя бўла олмайди. Чунки шахсий фикр — ўзига хос бир қарашдир, ижтимоий фикр эса — воқеликка нисбатан ўзгариш ёки ҳаракатни тақозо этадиган фаол муносабатни ифодалайди. Фоя ана шу муносабатни ҳаракатта, жараёнга, зарурат туғилганда эса, бутун бир давр тарихига айлантиради.

Муайян бир фоя дастлаб бирон-бир шахснинг онгида пайдо бўлади. Айни пайтда у юксак ижтимоий мазмунга эга бўлгани, жамиятнинг тараққиёт йўлидаги эзгу интилишларини акс эттиргани боис умуминсоний ҳақиқатга айланади.

Масалан, ўрта асрларда жаҳолат ва инквизиция шахснинг орзу-интилишлари, эркинлиги ва

ташаббускорлиги йўлида тўсиқ бўлиб турган пайтда поляк олим Николо Коперник Ернинг Куёш атрофида айланишига доир гелиоцентризм назариясини олға сурди. Бу фоя ҳам, аввало, бир жасоратли шахс қалбидаги интилишлар ифодаси сифатида пайдо бўлган, кейинчалик эса бутун дунёда эътироф этилиб, илмий тафаккурнинг таркибий қисмига айланган.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назария, таълимот ва мафкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларида улкан ақл-заковат, истеъдод ва теран тафаккур эгалари мислсиз заҳмат чекканини кўрамиз. Сократ ва Платон, Конфуций ва Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий ва Махатма Ганди каби буюк мутафаккирлар фаолияти бунинг яққол тасдиғидир.

Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда икки куч — бунёдкорлик ва бузғунчилик гоялари ҳамиша ўзаро курашади. Бунёдкор фоя инсонни улуғлайди, унинг руҳига қанот бағишлияди. Соҳибқирон Амир Темурнинг пароканда юртни бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод қилиш борасидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу гоялар асос бўлган.

Бузғунчи гоялар эса халқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтиради. Бунга олис ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўрта асрлардаги салиб юришлари, диний фанатизм ва атеизм, фашизм ва большевизмга асос бўлган файриинсоний гоялар шулар жумласидандир.

Ёвуз фоя ва мафкураларнинг энг кўп тарқалган шакли ақидапарастликдир. Бундай мафкуралар

муайян даврларда Фарбда ҳам, Шарқда ҳам ҳукмронлик қилган. Бу ижтимоий иллат инсоният XXI асрга қадам қўяётган ҳозирги даврда ҳам дунёдаги тинчлик ва тараққиётта таҳдид солмоқда.

Ақидапарастлик, қандай шаклда бўлмасин, ҳамма замонларда ҳам жамият учун бирдек хатарлидир.

Ўрта асрларда Фарбдаги ақидапарастлик мафкураси бўлган инквизиция черковнинг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиб, ҳур фикр ривожига, жамият тараққиётига тўсик бўлди. Галилей ва Коперник каби юзлаб буюк ақл-заковат соҳиблари ана шундай ақидапарастлик таъқибига учраганлар, Жордано Бруно илмий қарашлари учун жаҳолат қурбони бўлган.

Шарқда эса Имом Бухорий, Ибн Сино сингари буюк алломалар ҳам турли тазиикларга дучор бўлганлар. Мансур Ҳаллож, Насимий, Бобораҳим Машраб сингари ҳур фикрли зотлар эса қатл этилган.

Токи дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик ҳисси бор экан, жамиятда илғор ғоялар туғилаверади. Бузгунчи ғояларнинг вужудга келишига эса вайронкор интилишлар сабаб бўлади. Шундай экан, уларга қарши курашга тайёр туриш, яъни доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшамоқ ҳаётнинг асосий зарурати бўлиб қолаверади.

2. Тарихий шакллари ва кўринишлари

Инсоният тарихи турли ғояларнинг эзгулик ва ёвузлик, озодлик ва истибодод, маърифат ва жаҳолатта хизмат қилган мафкуралар шаклида

намоён бўлганидан далолат беради. Уларнинг афсона ва ривоятлар воситасида ифода этилган мифологик, илохий қадриятлар мажмуси бўлган диний, оламга илмий ёндашув асосида вужудга келган дунёвий кўринишлари мавжуд.

Ибтидой ҳаёт даврида мифологияга асосланган диний-илохий қарашлар асосидаги тотемизм, анимизм, фетишизм каби фоявий тизимлар — мафкура шакллари бўлган. Таракқиётнинг кейинги босқичларида миллий асосдаги ҳиндуизм, иудаизм, конфуцийлик сингари диний мафкуралар шакланган. Японлар эса ўзларининг миллий дини — синтоизмни яратган.

Рим империяси шакланган дастлабки даврда христианлик дини аста-секин унинг мафкурасига айланди.

Оламнинг вужудга келиши, мавжудлик қонуниятлари, унинг асосини нима ташкил этгани каби масалаларни фалсафий талқин этиш натижасида монизм, дуализм, плорализм, идеализм ва материализм сингари оқимлар вужудга келди.

Монизм — оламнинг асоси битта дея таълим берувчи йўналиш.

Дуализм — оламнинг ибтидоси ҳам руҳий-илоҳий, ҳам моддий асосга эга эканини эътироф этувчи оқим.

Плорализм — оламнинг асосида кўп нарсалар ётиши ҳақидаги фояларни илгари сурувчи таълимот.

Идеализм — олам ва одамнинг яралиши, борлиқнинг яшаши ва ривожланиш хусусиятлари, борлиқ ҳамда йўқлик масалаларида руҳий ва илоҳийлик тамойилларини устувор деб билиш, мутлақлаштиришdir.

Материализм — айнан ана шу масалаларда модда (материя) ва унинг хоссаларини устувор деб билиш, мутлақлаштиришдир.

Муайян тарихий даврларда миллий асосдаги диний мафкуралар давлат идеологияси даражасига кўтаришган. Замонлар ўтиши билан уларнинг айримлари ўз мавқеини йўқотган, лекин миллат маънавиятининг таркибий қисми сифатида сақланиб қолган.

Аммо идеализм ва материализм ўртасидаги баҳс-мунозара ҳамда уларни муросага келтиришга интигувчи дуализм фоялари қадим замонлардан бўён давом этиб келмоқда.

Худо ва илоҳий қадриятларни мутлақ рад этувчи атеизм ва айнан ана шу ҳақиқатларни мутлақлаштирувчи теизм ўртасидаги баҳс-мунозара ҳам узоқ тарихга эга.

XIX аср бошларида Францияда император Наполеон шахсига сифинишни бошлаб берган унинг офицери Шовен номи билан боғлиқ шовинизм фоялари пайдо бўлди. Кейинчалик у муайян шахс ёки миллатни бошқалардан устун кўядиган, уни мутлақлаштирадиган мафкуравий ақидага айланди.

Ҳозирги даврда ҳам ватансизлик фояси — космополитизм, ҳамма нарсани инкор этишга, ҳеч қандай ижтимоий меъёр ва қонун-қоидаларни тан олмасликка даъват этувчи нигилизм каби кўп-кўп мафкуралар турли кўринишларда намоён бўлмоқда.

Фоя ва мафкураларнинг тарихий шаклларини, мазмун-моҳиятини азал-азалдан эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртаси-

даги кураш диалектикаси белгилаб келади. Яъни босқинчиллик, бошқалар ҳисобидан бойиш, тажовузкорлик, ақидапараастлик мағкураларига қарама-қарши ўлароқ, озодлик, мустақиллик ва адолат фоялари узлуксиз майдонга чиқиб, халқларнинг музaffer байробига айланган.

Хуллас, инсон ва жамият бор экан, эзгу фояларнинг зидди бўлган зулм ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат янги-янги шаклларда намоён бўлишга уринади. Лекин улар одамзотнинг адолат, тинчлик ва биродарлик, тараққиёт ва фаровонолик фояларига таяниб, олий мақсадлар сари интилишини асло тўхтата олмайди.

3. Халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири

Инсоният тарихига халқлар ва давлатлар, миллиатлар ва жамиятларни юксалишга етаклаган ёки уларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этган турли хил фоялар таъсир ўтказиб келган.

Миллий фоя ва мағкура ўзида гуманизм табларини, халқнинг ирова ва интилишларини акс эттирган тақдирида жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳият ва имкониятларини тўла юзага чиқаришда бекиёс омил бўлади.

Масалан, XX асрда дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган японча тараққиёт моделини олайлик. Япон миллий мағкураси “миллий давлатчилик тизими” (кокутай), “фуқаролик бурчи”, “япон руҳи”, “тадбиркорлик”, “умуммиллийлик”, “фидоийлик”, “ватанпарварлик”, “патернализм”, “жамоага садоқат”, “модернизация” каби фоя ва

тушунчаларга асосланиб, мамлакат эришган юксак натижаларга пойдевор бўлди.

Фоявий заифлик ва мафкуравий бекарорлик эса миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказади, унинг тараққиётини орқага суриб юборади. Масалан, Чингизхон босқини, чор истилоси даврларида айрим ҳукмдорларнинг халқни бирлаштириб курашга сафарбар этмагани ўлкамизнинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлди.

Фоя ва мафкура гуманизм ва тараққиёт таомилларини, халқ тақдиридаги юксалиш заруратини ўзида акс эттирмаса, аксинча, бу интилишларни рад этса, моҳиятига кўра уларга зид бўлса, у жамият таназзулига сабаб бўлади.

Ана шундай мафкуралардан бири — ҳокимиятни қурол кучи билан эгаллаб олган собиқ коммунистик тузум мафкурасидир. Дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан салтанат ва социалистик лагерь худудида ҳукм сурган бу мафкура ўзининг файриинсоний ва файримиллий моҳияти, мустабид табиати туфайли таназзулга юз тутди.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, баъзан бузғунчи мафкура ўзининг соxта жозибаси, алдов ва макр билан омма онгини заҳарлаб, жамиядта ҳукмрон мавқени эгаллаб олиши ҳам мумкин. Масалан, XX асрнинг 30-йилларида Италия ва Германияда фашизмнинг ғалаба қозониши нафақат итальян ва немис халқининг, балки дунёдаги миллионлаб инсонларнинг бошига чексиз кулфат солгани тарихнинг аччиқ сабоқларидан биридир. Бугунги кунда бутун дунёдаги тараққийпарвар ва гуманистик кучлар бундай

фожиали ва нохуш ҳолатлар тақрорланмаслиги учун ҳамжиҳатлик билан кураш олиб бормоқда.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, инсониятнинг азал-азалдан ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатта қарши маърифат билан курашиб келиши — тарихнинг ўзгармас қонуниятидир.

4. Фалсафий, дунёвий ва диний илдизлари

Мафкуралар маъно-моҳиятига кўра фалсафий, дунёвий, диний таълимотлар асосида яратилади. Турли ижтимоий-сиёсий кучлар ўз мафкураларини яратишда сиёсий ғоялар билан бирга диний оқимлар, фалсафий мактаблар ва илм-фан ютуқларига таянади, улардан назарий асос сифатида фойдаланади.

Мафкуранинг **фалсафий илдизлари** ҳақида фикр юритганда, унинг барча илмларнинг отаси бўлган фалсафа фани хуносаларига асосланиши назарда тутилади. Бунга Ўйғониш даври ва Ўрта асрларда миллий давлатчилигини тиклай бошлаган Европа халқларининг ҳар бири ўзига хос мафкурасини яраттанини мисол келтириш мумкин. Мазкур мафкуралар Рим империяси парчалангандан кейин ўз давлатчилигига эга бўлган халқларнинг ўзига хос қадриятлари ва менталитети заминида вужудга келган миллий фалсафалар асосида шаклланди. Шу боис ўша даврдаги итальян, инглиз, француз фалсафаси ўзи мансуб бўлган жамиятни бирлаштиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, бу миллий мактаблар заминида вужудга келган фалсафий таълимотлар, маъри-

фий қараплар инсоният маданияти хазинасига катта ҳисса бўлиб кўшилди.

Кант, Гегель, Ницше каби мутафаккирлар номи билан шуҳрат топган немис фалсафаси хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Жумладан, ҳақиқий миллий хусусиятларга эга бўлган Гегель фалсафаси Австрия империясидан ажралиб, мустақиллик йўлини тутган Прусс монархиясининг давлат мафкураси даражасига кўтарилиганди.

Мафкуранинг дунёвий илдизлари маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар мажмуудан иборатдир. Асрлар мобайнида инсоният босқичма-босқич дунёвийлик сари интилиб келди. Умумэътироф этилган тамойиллар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби хусусиятлар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Инсоннинг ҳақиқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждан эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади. Бундай жамият мафкураси “Дунёвийлик – даҳрийлик эмас” деган тушунча асосида ривожланади, яъни диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини асло инкор этмайди.

Мафкуранинг диний илдизлари деганда у инсон онги ва руҳияти билан узвий боғлиқ экани ва шу боис унинг foявий илдизлари диний таълимотларга бориб тақалиши тушунилади. Яъни кўпгина мафкураларда “Забур”, “Таврот”, “Инжил”, “Куръон” каби илоҳий китобларда зикр этилган эзгу foялар муайян сини топганини кўрамиз.

Хитой халқининг тараққиёт йўлини асослаб берган Конфуций ва Лао Цзининг таълимотлари ҳам диний қарашларга асосланган эди. Бу таълимотлар асрлар мобайнида мамлакатнинг миллий мафкураси бўлиб келган.

Дунёвий ва диний фоялар бир-бирини бойитиб борган шароитда тараққиёт юксак босқичга кўтарилади. Бунга башарият тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотуридий ва Абу Райдон Беруний, Имом Фаззолий ва Ибн Сино, Имом Термизий ва Абу Наср Форобий сингари буюк заковат соҳиблари яшаб фаолият қўрсатган даврлар ёрқин мисол бўла олади.

Бундай жараён бугунги дунёда амалиёт фалсафаси деб тан олинган прагматизм, ҳаёт фалсафаси бўлган экзистенциализм каби дунёвий ва диний фоялардан озиқланган таълимотлар мисолида ҳам кўзга ташланмоқда.

Илмий кашфиётлар мафкура ривожига катта таъсир ўтказади. Замонавий фан ютуқлари, жумладан, космонавтика, кибернетика соҳасидаги оламшумул янтиликлар, клонлаштириш, инсоннинг ген-насл харитасини аниқлаш каби буюк кашфиётлар одамлар тасаввурини кескин ўзгартирумокда.

Айни вақтда юксак илмий-техникавий тараққиёт, глобаллашув жараёнлари, бир томондан, инсон ақл-идрокининг имкониятларига, кела жакка ишончни орттираётган бўлса, иккинчи томондан, Ҳиросима, Нагасаки, Чернобиль фожиалари, оммавий қирғин қуроллари, экологик ҳалокатлар, маънавий таназзул каби умумбашарий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Шундай экан, илм-фан ва маданият бораси-даги ютуқлардан оқилона фойдаланиш учун ҳам жамиятга соғлом фоя, соғлом мафкура керак.

5. Фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги

Плюрализм, яни фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги маърифий жамияттагина хос бўлиб, муайян ҳақиқатни турлича изоҳлаш, тушуниш ва талқин этиш тамойилига асосланади. Мана шундай тамойил устувор бўлган шарт-шароитни эътироф этадиган ва ўз фояларини шу мезонлар асосида ривожлантирадиган мафкура илфор, кучли ва ҳаётбахш бўлади. Бундай мафкура ҳеч қачон эркин фикрга тўсқинлик қиласмайди. Ёлғон ва файриинсоний фоялар асосида шаклланган мафкура эса ўзининг сохталиги ошкор бўлиб қолмаслиги учун бунга йўл қўймайди.

Яккаҳокимликка интилган, мутлақ ҳақиқатни даъво қиласдиган мафкурунинг истиқболи йўқ. Чунки у яккаҳукмронлик ўрнатиш баробарида ўзини бойитиб борадиган манба — фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллигидан узилиб қолади. Собиқ иттифоқ даврида етмиш йилдан зиёд якка ҳукмронлик қиласдиган коммунистик мафкурунинг таназзули бунинг яққол далилидир.

Муайян гурӯҳ ёки сиёсий партия фоялари ҳукмрон мафкурага айланса, хур фикрлилик, виждан эркинлиги ва қарашлар хилма-хиллиги чекланади, мутлақ ҳақиқатга эгалик даъвоси, мустабидлик тамойиллари кучаяди.

Плюрализм тамойили эркин сайловлар, эркин матбуот сингари демократиянинг асосий

шартларидан биридир. Күп йиллик демократик тажрибаларга эга бўлган илфор мамлакатларда бу тамойил жамият ҳаётидан чуқур ўрин олиб, тараққиётта сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, тарих сабоқлари шундан далолат берадики, ўз эркин фикрини ифода эта-диган шахс, гуруҳ ёки ижтимоий қатлам, аввали, ўзининг аниқ-равшан, асосли қарашларига эга бўлиши, ўз нуқтаи назарининг оқибати учун масъулиятни ўз зиммасига олиши, баҳс-муно-зара маданияти талабларига амал қилиши ло-зим. Яъни, фикрлар ранг-баранглиги ва қараш-лар хилма-хиллиги муайян жамиятнинг миллий манфаатларига, умумбашарий қадриятларга, қонун нормаларига, ахлоқий мезонларга зид бўлмаслиги зарур.

6. Инсоният тарихида мағкурадан кўзланган мақсадлар

Жамият тараққиётида турли мақсад ва муд-даолар хилма-хил мағкуравий воситалар билан амалга оширилади.

Инсонлар, халқлар ва жамиятлар ҳаётида тан-ланган ғоявий йўналиш, миллий мағкура муҳим аҳамият касб этади. Мағкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Ҳар қандай мағкура қуидаги асосий мақсадларни кўзда тутади:

- муайян ғояга ишонтириш;
- уюштириш;
- сафарбар этиш;
- маънавий-руҳий рафбатлантириш;

- гоявий тарбиялаш;
- гоявий иммунитетни шакллантириш;
- ҳаракат дастури бўлиш.

Мафкура ўз олдига қўйилган шу каби мақсадларни бажара олсагина, амалий самара бериши мумкин.

II. ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА ИНСОН ҚАЛБИ ВА ОНГИ УЧУН КУРАШ

1. Бугунги дунёning мафкуравий манзараси

Ҳозирги давр — дунёда фоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврdir.

Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-хуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик фоялари устувордир.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва коммунизм, ирқчилик ва диний экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир.

Йигирманчи аср сўнгига рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, икки қутбли дунёning барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатнинг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди. Инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш хилма-хил фоялар билан куролланган, турли манбалардан озиқланадиган мафкураларнинг асосий мақсадига айланмоқда.

2. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви

Бугунги дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Масалан, Интернет тизими орқали ахборот алмашув, бинобарин, фоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёндир.

Бирон-бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган фоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада одамзот маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиласидиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босими ни доимий равишда сезиб яшамоқда.

Бундай вазиятда ўз мустақил фикрита, собит эътиқодига, мустаҳкам ирова ва дунёқарашига эга бўлмаган одам гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишда намоён бўлаётган мафкуравий тазиикларга бардош бера олмайди. Японияда пайдо бўлган “АУМ Синрикё” каби зарарли оқимлар турли мамлакатлардаги минглаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомбига айлантириб қўйгани бу фикрнинг далилидир.

Кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жаёнлари жаҳон тараққиётининг ҳозирги пайт-

даги мұхым хусусиятларидан бири эканини эъти-
роф эттан ҳолда, уларнинг кучли мафкуравий таъ-
сир ўтказиш воситаси эканини ҳам унутмаслик
даркор.

3. Геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат

Геополитик мақсадлар — муайян давлатнинг
ўз мавқеи ва таъсирини ўзга ҳудуд ва минтақа-
ларда кучайтиришга қаратилган сиёсатни ифо-
далайди. Бугунги кунда ҳалқаро майдонда турли
шаклларда намоён бўлаётган бундай мақсадлар
мафкуравий сиёсат билан қўшилиб бормоқда.
Инсон қалби ва онги учун кураш — бу жараён-
нинг асосий йўналишларидан биридир.

Жаҳон ҳамжамияти ҳалқаро муносабатлар со-
ҳасида демократия, ўзаро хурмат ва ҳамкорлик та-
мойилларини қарор топтириш учун курашмоқда. Бундай шароитда зўравонлик қилиш, ҳарбий куч
ишлатиш ва ҳатто иқтисодий исканжага олиш
қатъий қораланиши аниқ. Лекин ўз гаразли мақ-
садларига етишни кўзлаётган турли кучлар гео-
политиканинг энг таъсирчан воситаси сифатида
мафкуравий қуролдан кенг фойдаланмоқда, одам-
лар онгига таъсир ўтказишнинг тубан ва маккор
усулларини кўлламоқда.

4. Жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар

Хозирги даврда ҳалқларни маънавий-мафкура-
вий жиҳатдан тобе этиш ва пировард натижада

буткул қарам қилиб олишга қаратылған интилишлар кучайиб бормоқда. Бу — катта-катта ҳудудларни, айниңса, бой табиий ресурсларга эга бўлган минтақаларга ўз таъсирини ўтказишнинг энг қулай усулидир. Бу — замонавий қурол-аслача кучи билан ҳал этиб бўлмайдиган муаммони сиртдан қаранганд үта безиён бўлиб туюладиган мафкуравий усуллар орқали ечиш йўлидир.

Бугунги кунда қуйидаги ижтимоий-тарихий омиллар асосида дунёни бўлиб олишга уринаётган мафкуралар мавжуд:

- буюк давлатчилик гегемонизми асосида;
- диний мансублик асосида;
- этник бирлик асосида;
- собиқ ижтимоий-иктисодий ва сиёсий бирлик асосида ва ҳоказо.

Жаҳонни мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш учун тинимсиз ҳаракат олиб борилаётган бундай пайтда фақат кучли миллтий мафкурагина жамиятни ана шу тазииклардан муҳофаза қила олади.

Бугунги кун воқелигидан келиб чиқадиган муҳим холосалардан бири ана шундан иборат.

5. Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар

Ҳозирги даврда Марказий Осиё сиёсий харитасида рўй берган туб ўзгаришлар туфайли бу минтақага нисбатан геополитик ёндашувларнинг ифодаси бўлган мафкуравий жараёнлар мураккаблашиб бормоқда.

Мустақилликни қўлга киритган ва ўзига хос тараққиёт йўлидан бораётган минтақа давлатла-

рида тарихий хотира, миллий қадриятлар ва давлатчилик анъаналарини тиклашдек муҳим жараён кечмоқда.

Жаҳондаги маълум бир сиёсий-мафкуравий кучлар улкан иқтисодий салоҳият ва қулай геополитик мавқега эга бўлган бу минтақани ўз манфаатлари доирасига тортишга интилмоқда. Улар ўз мақсадларига эришиш учун таъсир ва босим ўтказишнинг барча шаклларини қўлламоқда.

Минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлатлар, халқлар ва миллатлар ўргасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли фоявий, диний ва мафкуравий воситалар ишга солинмоқда.

Ўрта аср халифалигини қайта ўрнатиш гояси ҳамда халқаро террорчилик ва диний экстремизм марказлари орқали моддий-фоявий жиҳатдан таъминланаётган ақидапараст мафкуралар бугунги кунда минтақамиздаги тинчлик ва барқарорлик учун катта хавф бўлиб турибди.

Йигирма йилдан буён давом этиб келаётган ҳарбий можаролар оқибатида умуминсоний цивилизациядан узилиб қолган Афғонистон ҳудуди халқаро террорчилик ва диний экстремизм, курол-яроғ ва гиёхванд моддаларнинг ноқонундий савдоси ўчоғи бўлиб қолди. Бу эса турли зарарли фояларнинг террорчилик, таҳдид ва таҳлика йўли билан бутун минтақага ёйилиш хавфини туғдирмоқда.

Мустақил тараққиёт, эркин ва фаровон ҳаётга бўлган ишонч-эътиқодни мустаҳкамлаш йўли-

да хавф-хатарларнинг олдини олиш учун муттасил огоҳ бўлиб яшаш, биргаликда кураш олиб бориш минтақа халқлари учун ҳаётий заруратга айланиб қолди.

Шу маънода, Ўзбекистон томонидан олға сурйлган “Туркистон — умумий уйимиз” гояси, Афғонистондаги ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал этишга қаратилган “6+2” грухҳи фоалиятини йўлга қўйиш, Террорчиликка қарши халқаро кураш марказини ташкил қилиш борасидағи ташабbusлар, минтақа мамлакатлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этади.

ІІІ. ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ ВА МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАР

1. Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз?

Шакланаётган миллий истиқлол мафкураси миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатлари-ни, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларини мұжассамлаштириб, жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйған эзгу муддао ва вазифаларни аниқравшан акс эттиromoғи зарур. Токи ҳар бир ватандопшимиз биз қандай жамият, қандай давлат, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий асослари ни-малардан иборат, деган саволларга жавоб топа олсин.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг асарларида, хусусан, “Ўзбекистон XXI асрға интилмоқда” китобида бу масалалар чукур илмий асосда, атрофлича ёритилган.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз — бозор иқтисодиётiga асосланган эркин демократик жамият барпо этишидир. Юртимиизда яшайдиган барча инсонлар учун, миллати, тили ва динидан қатыи назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ри-вожланган демократик мамлакатлардаги каби ка-фолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Бу — халқимизнинг асрий анъаналарига, муқаддас динимизнинг инсон-

парварлик мөхиятига, миллий қадриятларимизга содик қолган ҳолда, ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан кўр-кўrona нусха кўчирмасдан, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демакдир.

Ушбу стратегик мақсадлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига даҳлдор бўлган куйидаги бир қатор вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.

Сиёсий соҳада:

Жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чукурлаштириш, унинг изчилиги ва самарадорлигини таъминлаш — мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг энг асосий йўналишидир.

Биринчидан, мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантириш.

Бу жараёнда демократия, фикр ва виждан эркинлиги, плорализм ва инсон ҳақ-хукуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга риоя қилиб яшаш тамойилини жамият ҳаётининг асосий мезонига айлантириш.

Иккинчидан, жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизми шакллантириш, сиёсий ҳаётда ҳақиқий маънодаги кўп партиявийлик тамойилини қарор топтириш.

Учинчидан, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун янада кенгроқ

шарт-шароит яратиш, ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституциявий тамойилига қатъий амал қилиш, жамият аъзоларининг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини, ташаббус эркинлигини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятларни вужудга келтириш.

Бу — мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, ҳеч қандай сиёсий кучларнинг субъектив хоҳиш-иродасига қарам бўлмасдан ишни фаол ташкил қиласидан, ўз моҳиятига кўра, жамиятнинг олға силжишига халақит бераётган иллат ва асоратларни бартараф этишга қодир бўлган самарали тизимни шакллантириш демакдир.

Тўртингчидан, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўtkазиб бориш, нодавлат ва жамоат тузилмаларининг ҳукуқ ва мавқеини оширишни кўзда туладиган “Кучли давлатдан — кучли жамият сари” концепциясини ҳаётга жорий қилиш.

Бу — одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ошиши, уларга кўпроқ ҳукуқлар берилиши демакдир.

Бешингчидан, давлатнинг ислоҳотчилик вазифаларини демократик талаблар асосида, ҳалқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос ҳолда амалга оширадиган истеъдодли, изланувчан, чу-

кур билимли ва юксак малакали, Ватанга, она заминимизга садоқатли ёш кадрларни танлаш, жой-жойига кўйиш ва янгилашга имкон берадиган тизимни такомиллаштириш.

Бу — ҳеч қайси замонда осонликча ҳал бўлмайдиган, одамларнинг тафаккури ва дунё-қарashi ўзгаришини тақозо этадиган, одатда субъективизм, манфаатпарастлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби кўп-кўп иллатларни бартараф этиш, жамиятни тубдан янгилашни талаб қиласидиган мураккаб жараёндир.

Иқтисодий соҳада:

Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва олиб борилаётган ислоҳотларни янада чукурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш — бу соҳадаги ўзгаришларнинг асосий йўналишлариdir.

Биринчидан, иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа — энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини — функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш.

Бу — хусусий бизнесга, умуман, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига кўпроқ эркинлик бериш, бунинг учун тегишли ҳукуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратиш, институционал ўзгаришлар, молия ва банк тизимини ислоҳ этишни янада чукурлаштириш, ривожланган бозор инфратузил-

масини барпо этиш, рақобат мұхитини шакллантиришга асосий әътибор қаратиш демакдир.

Иккинчидан, хусусийлаштириш жараёнини янада чукурлаштириш ва шу асосда амалда мулкдорлар синфини шакллантириш, бу жараёнга тармоқларнинг асосини ташкил қылувчи йирик корхоналарни жалб этиш.

Бу — хусусий мулкнинг миқёси ва улуши үзлуксиз ортиб борадиган күпукладли иқтисодиётни ривожлантириш, жамиятда мулкдорларнинг кўғчилликни ташкил этишига эришиш орқали ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликни кафолатлаш демакдир.

Учинчидан, иқтисодиётта хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай хукуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш.

Бу — салоҳиятли хорижий шериклар билан фаол ҳамкорлик қилиш, улар билан бирга замонавий, халқимиз эҳтиёжига мос, дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни амалга ошириш демакдир.

Тўртингчидан, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, унинг халқаро меҳнат тақсимотида тенг хукуқли ва ўзаро манфаатли шартлар асосида иштирок этиши, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимиға кенг кўламда интеграциялашувини янада кучайтириш.

Бу — Ватанимизнинг дунё бозоридаги ўрни ва нуфузини, фуқароларимизнинг ўз юрти иқтисодий салоҳияти ва қудрати билан фахрланиш туйғусини юксалтириш демакдир.

Бешинчидан, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

Бу — бой табиий захираларимиз, интеллектуал ҳамда илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, иқтисодиётда мукаммал технологик жараённи ўз ичига оладиган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини сифатли қайта ишлайдиган қувватлар етакчи ўрин тутишини таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кучайтириш, қишлоқда янги иш ўринларини яратиш демакдир.

Ижтимоий соҳада:

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган, бозор муносабатлари устувор бўлиб бораётган ҳозирги шароитда кучли ижтимоий сиёsat юритиш тараққиётимизнинг асосий тамоилларидан бири бўлиб қолаверади.

Биринчидан, халқ моддий фаровонлигини босқичма-босқич ва изчил ошириб боришни таъминлаш, юртдошларимизнинг муносаб ҳаёт кечириши ва камол топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳолини, энг аввало, унинг ёрдамга муҳтоҷ қатламлари — болалар, қариялар, ногиронлар, ўқувчи ёшларни ижтимоий муҳофазалашнинг аниқ йўналтирилган механизмини янада такомиллаштириш.

Иккинчидан, халқимиз учун муқаддас қўргон, маънавият бешиги бўлган оила, оналар ва аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш соҳасида олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириш.

Учинчидан, фуқароларнинг хуқуқий тентлиги ва қонун устуворлигини, жамият манфаатлари ва аҳоли хавфсизлигини янада самарали кафолатловчи давлат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш.

Тўртингчидан, келажаги буюк давлатни соғлом мағкурали, маънавий баркамол авлод барпо эта олишини назарда тутиб, комил инсонни тарбиялаш борасидаги ишларни истиқболда ҳам давлат сиёсати даражасида кучайтириб бориш ва умумхалқ ҳаракатига айлантириш.

Маънавий соҳада:

Маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чукурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мағкураси тамоилиларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни соҳталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик — бу борадаги асосий вазифаларимиздир.

Биринчидан, юртдошларимизни маънавий янгилашиб ва ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш. Уларнинг куч ва салоҳиятларини ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тутувлик, диний бағрикенглик каби эзгу мақсадларга хизмат қилдириш.

Бу — маънавиятнинг куч-қудратидан эзгу мақсадлар йўлида самарали фойдаланиш, ижтимоий муносабатларни инсонийлик ғоялари асосида ривожлантириш демакдир.

Иккинчидан, турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос орзу-интилишларини уйғунлаштирувчи ғоя — Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ

Фаровонлиги — барча юртдошларимиз учун муқаддас мақсадга айланишига эришиш.

Бу — кўп партиявиийлик ва плорализм тамойилларига амалда риоя қилган ҳолда, миллый ҳамжихатликни янада мустаҳкамлаш демакдир.

Учинчидан, ота-боболаримиз динининг гуманистик моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ишларни давом эттириш. Токи, бу дин халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг ҳам асоси, муҳтасар айтганда, Аллоҳ доимо қалбимизда, юрагимизда экани юртдошларимиз онгига сингиб борсин.

Шу маънода, буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дилинг — Аллоҳда, қўлинг — меҳнатда бўлсин” деган ҳикмати биз учун муҳим ҳаётий тамойил бўлиб қолаверади.

Тўртингчидан, Кадрлар тайёрлаш миллый дастурини амалга ошириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида муттасил такомиллашибориб бориш.

Бу — давлатимиз қудрати, мамлакатимиз келажаги билимли, доно ва маънавий баркамол кадрларга боғлиқ эканини чукур англаган ҳолда фаолият юритиш демакдир.

Бешингчидан, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одат ва анъаналярини хурмат қилиш, уларни асрраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш.

Бу — кўп миллатли мамлакатимиз фуқаролари орасида, уларнинг миллый ва диний мансуб-

лигидан қатъи назар, ҳамжиҳатлик ва биродарлик туйғуларини кучайтириш, “Шу азиз Ватан — барчамизники” гоясининг амалга ошишини таъминлаш демакдир.

2. Тараққиётнинг ўзбек модели

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати. Бу заминда табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.

Ўзбекистон — ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган давлат. Бу йўл — жаҳонда ўзбек модели деб тан олинган ривожланиш йўлидир. Унинг рационал мағзи жамиятни инқиlobий тарзда эмас, балки эволюцион — тадрижий равишда ислоҳ этишни назарда тутади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Президент Ислом Каримов раҳбарлигига ислоҳотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Бунда тараққий топган мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошдан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди. Шу тариқа юрганчимиз томонидан жамиятни ислоҳ этишнинг чукур илмий асосланган қўйидаги машҳур беш тамойили вужудга келди:

Биринчи тамойил. Иқтисодиётнинг сиёsatдан устунлиги. Иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёsat ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Ички ва ташқи

иқтисодий муносабатлар мафкурадан холи бўлиши лозим.

Иккинчи тамойил. Давлат — бош ислоҳотчи. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, янгиланиш ва ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши лозим.

Учинчи тамойил. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги. Демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга офишмай риоя этиши лозим.

Тўртинчи тамойил. Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда, аҳолини, айниқса, кам таъминланган оиласарни, болалар ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим.

Бешинчи тамойил. Бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш.

Ушбу тамойиллар Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг асосини, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини изчил жорий этишни таъминлашмоқда.

Тараққиётнинг ўзбек модели халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари, қадриятлари ва менталитетига таянгани, айни вақтда, жамиятни

ислоҳ этиш борасидаги дунё тажрибасининг илғор ютуқларига асослангани туфайли ҳалқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

3. Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи

Ўзбекистон тарихан Буюк ипак йўли каби қадимий савдо йўллари туташган, қизғин ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни кечган ҳудуд — Ўрта Осиёнинг марказида жойлашган. Ана шу кулай жуғрофий ўрин — унинг бугунги кунда ҳам узоқ-яқин мамлакатларни ўзаро боғлаб турувчи кўприк бўлиб келаётгани ҳалқаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртимизга нисбатан айтилган “Шарқ дарвозаси” деган таъриф бу ҳақиқатнинг ёрқин тасдиғидир.

Мамлакатнинг жаҳондаги нуфузи унинг иқтисодий ва интеллектуал салоҳияти, дунё цивилизацияси, фан ва маданият ривожига кўшган ҳиссаси, айни вақтда, умумэътироф этилган ҳалқаро меъёрларга нечоғлиқ амал қилиши, ҳалқнинг турмуш даражаси билан белгиланади.

Дунё ҳамжамиятидан ўзига хос ўрин эгаллаб бораётган Ўзбекистон ўз ички ва ташқи сиёсатида ана шу мезонларга таянади.

Мамлакатимизнинг ички сиёсати “Инсон ва унинг манфаатлари ҳар нарсадан улуғ” деган таъмойил асосида амалга оширилади. Бу жараён ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, унинг ҳақ-хукуқ ва эркинликларини кафолатлаш, озчиликнинг кўпчилик иродасига бўйсундай

ниши, шу билан бирга, озчилик фикрининг ҳам кўпчилик томонидан ҳурмат этилиши каби демократик қоидаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида барча давлатлар билан тенг хукуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, тинчлик ва хавфсизликни асррабавайлаш, халқаро хукуқ меъёрларининг устуворлиги каби тамойилларга амал қиласди.

Минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш, уни ядро қуролидан холи маконга айлантириш, минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, халқаро террорчилик ва ақидапарастликка қарши кураш мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширишга хизмат қиласди.

4. Мафкуравий муаммолар: ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг жамиятимизга таъсири

Тарихий қонуният шундан далолат берадики, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш даврида, жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари, ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал қилиш зарурати юзага келади.

Ўзбекистон ўз озодлигини қўлга киритгач, мояхиятан халқимизнинг табиатига, дунёқарашига ёт бўлган коммунистик мафкурага барҳам берилди. Маълумки, умрини ўтаб бўлган ғоя, ақида ёки мафкура тараққиёт нуқтаи назаридан инкор этилар экан, жамиятда янги бир ғоя, илфор бир фикрининг шаклланишига эҳтиёж туғилади. Бу

зарурат теран англаб етилмаган ҳолда эса ғоявий вакуум — бўшлиқ юзага келади. Лекин табиатда вакуум — бўшлиқ бўлмагани каби, мафкура соҳасида ҳам бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди.

Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун мамлакатимизда мустақиликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кўпгина ишлар амалга оширилди. Лекин ижтимоий онг ва тафаккур тезда ўзгариб, янгича дунёқарашиб осонликча шаклланавермайди.

Айнан мана шундай шароитда ҳалқ ва давлатнинг эзгу мақсадларига ёт ва бегона бўлган ғоялар жамият ҳаётига ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилиши муқаррар. Айниқса, ғоявий бекарорлик ҳукмрон бўлган жойда мафкуравий таҳдид кучаяди. Аҳоли кенг қатламлари, хусусан, ёшларнинг онгини эгаллашга уринишлар ортиб боради.

Дунёning турли мамлакатларида жойлашган, катта маблағ ва таъсир кучига эга бўлган баъзи марказлар ана шундай вазиятдан фойдаланиб, ўз ёвуз ниятларига эришмоқ учун уринимоқда.

Бу кучларнинг мамлакатимизга кўз олайтириши, бизга ўз ҳукмини ўтказишга интилишининг сабаби — юртимизнинг геополитик нуқтаи назардан ғоят қулай ҳудудда жойлашгани, интеллектуал салоҳият ва табиий захираларга бойлигидир.

1980 йилларнинг охирларидан бошлаб мамлакатимизга кириб келган ваҳҳобийлик, “Ҳизбут таҳrir” каби заарли оқимлар, турли секталар диннинг асл моҳиятини билмайдиган оддий одамларни, фўр ёшларни йўлдан оздира бошлади. Улар ҳалқимиз, айниқса, фарзандларимиз-

нинг кўнгли очик, соддадил, ишонувчан, андишали, қалбида катталарга ҳурмат, диний қадриятларга интилиш туйфуси кучли эканидан фойдаланмоқда.

Шу билан бирга, давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг мафкуравий соҳада етарли иш олиб бормагани, ижтимоий фанларнинг ҳаёт талабларидан орқада қолгани, жамият руҳияти ва тафаккурида рўй берадиган мураккаб жараёнлар ўз вақтида илмий ечимини топмагани, бу соҳада одамларга тўғри йўл кўрсатишга қурби етадиган шахслар, диний уламоларнинг етарли эмаслиги ҳам бунга сабаб бўлди.

Ҳозирги кунда жамиятимиз ҳаётига жиддий хавф туғдирадиган мафкуравий таҳдидлар куйидагилардан иборат:

- ислом халифалитини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларни янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;
- ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси;
- тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар;
- ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар;
- турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар.

Бу таҳдидлар, энг аввало, оддий инсонлар қалби ва онгини забт этишга, уларни ўз миллий қадриятларидан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум қилишга, пировард натижада юртимизни ўзига қарам қилиб олишга қара-

тилган замонавий тажовузкорликнинг мафкура-
вий бир шаклидир.

Халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан ас-
расш, жамиятда мафкуравий иммунитет ҳосил
қилиш учун уни, аввало, тараққиёт қонуниятла-
рини ўзида чуқур акс эттирадиган соғлом, ин-
сонпарвар мафкура билан куроллантириш зарур.

Ҳар қандай жамият, давлат ижтимоий, иқти-
садий, сиёсий тараққиётда ўзининг аниқ йўли,
ривожланиш тамойилларига эга бўлгани каби,
миллий ғоя, миллий мафкура соҳасида ҳам қатъ-
ий тамойилларига эга бўлиши шарт.

IV. МИЛЛИИ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

1. Моҳият-мазмуни

Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, ҳалқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиласидиган фоялар тизимиdir.

Миллий истиқлол мафкураси:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади;
- ҳалқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобоқалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади;

— адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик фоялари ҳамда ҳалқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради;

— юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва ҳалқ фарновонлигини таъминлашга хизмат қиласиди;

— жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади;

— миллати, тили ва динидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбидан она Ватанга муҳаббат, мустақиллик фояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради;

— жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждан эркинлиги тамойилларига риоя қылган ҳолда маърифий йўл билан сингдирлади.

Миллий мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пой-девор бўлиб келган.

У ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрг олдидағи бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаёттанини белгилайдиган маънавий мезондир.

Бу — Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ва ўз тақдирини шу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир кишининг “Ватаним менга нима берди” деб эмас, балки “Мен Ватаним равнақи учун нима қиляпман” деган масъулият туйфуси билан яшаши демакдир.

Миллий мафкура ҳақида гапирганда шуни назарда тутиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси плорализм, фикр ва қарашлар эркинлиги тамойилларини тўлиқ таъминлайди. Асосий Қонунимизнинг 12-моддасида бу қоида қўйидагича ифодаланган:

“Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас”.

Бу қоида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган партиялар, ҳаракат ва ижтимоий-сиёсий гурӯҳ-

лардан бирортасининг дастурий ғоялари ягона давлат мафкураси бўла олмаслигини англатади.

Миллий истиқдол мафкураси турли сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен — ижтимоий ҳодисадир. Бу мафкурада бирон бир дунёқарааш мутлақлаштирилмайди ёки у мавжуд сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий куролга айлантирилмайди. Миллий истиқдол мафкураси, ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қиласди, барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг — бутун халқимизнинг қуидаги умумий манфаатларини ифодалайди:

- мамлакатнинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадлар дахлсизлиги;
- юртнинг тинчлиги, давлатнинг ҳарбий, иқтисодий, ғоявий, экологик, информацион таҳдидлардан муҳофаза этилиши;
- мамлакатда фуқароларро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик мухитини таъминлаш;
- ҳар бир оила ва бутун халқнинг фаровонлиги;
- жамиятда адолат устуворлиги, демократия, ўз-ўзини бошқариш тамойилларининг амал қилиши.

Истиқдол мафкураси том маънодаги миллий мафкурага айланishi учун қуидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- инсон қалби ва онгига ижобий таъсир эта-диган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этиши;

- миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқод манбаи бўлиши;
- ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириши ва ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олиши;
- замон ва давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодалайдиган манфаат, мақсад-муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларини тавсия эта олиши.

Миллий истиқдол мафкураси ана шу талабларга жавоб бергани тақдирдагина қуйидаги асосий вазифаларни бажара олади:

- мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш;
- ҳур фикрли, мутелик ва журъатсизликдан холи бўлган, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш;
- одамларимиз, айникса, ёшларимизнинг иродасини бақувват қилиш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлашта хизмат қиласидиган маънавий муҳит яратиш;
- ватандошларимиз тафаккурида ўзликни англаш, тарихий хотирага садоқат, муқаддас қадриятларимизни асрраб-авайлаш, ватанпарварлик түйғусини камол топтириш;
- халқимизга хос бўлган иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни янада юксалтириш.
- мамлакатимизнинг кўп миллатли халқи онги ва қалбида “Ўзбекистон — ягона Ватан” деган тушунчани шакллантириш ва ривожлантириш.

Бу вазифаларнинг бажарилиши фуқароларимизни ҳозирги шиддаткор ҳаёт талабларига жавоб бера оладиган шахсларга, янги жамият қури-

лишининг фаол иштирокчиларига айлантиришга хизмат қиласди.

2. Тарихий ва фалсафий асослари

Миллий истиқдол мағкурасининг мъяно-мазмунини белгилайдиган асослардан бири — бу халқимизнинг қадимий ва бой тарихидир. Чунки тарих — буюк мураббий. У инсонга ибратли хуносалар берибгина қолмасдан, баъзан аччиқ сабоқларни ҳам тан олишга ундейди.

Она заминимизда бундан неча асрлар аввал яратилиб, то ҳануз юртимизга кўрк бағишлаб турган қадимий обидалар, осори атиқалар халқимизнинг юксак салоҳияти, куч-қудрати, бунёдкорлик анъаналари ҳақида, Ватанимизнинг шонли тарихи тўғрисида тасаввур ва тушунчалар беради, шу муқаддас диёрда яшайдиган ҳар бир инсон қалбida гурур-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккур ва дунёқараши, ҳаётга, воқеликка муносабатининг ифодаси бўлган халқ оғзаки ижоди намуналари, “Алпомиш”, “Шашмақом” каби санъат дурдоналари, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби миллий қаҳрамонларимизнинг ибратли ҳаёти ҳам миллий мағкурамиз озиқланадиган манбалардир.

Мағкурамизнинг **фалсафий асосини**, аввало, миллий-ижтимоий тафаккурнинг мумтоз намуналари бўлган дунёвий билимлар, жаҳон фалсафаси дурдоналари белгилайди. Олам ва одамнинг яралиши ва такомиллашиб бориши ҳақидаги диний ва илмий қарашлар, поклик, ҳалоллик, мард-

лик, комиллик фоялари ҳам бугунги мафкурамиз шаклланишига таъсир ўтказади.

Буюк донишманд аждодларимизнинг озодлик тўғрисидаги фоялари, Хоразмийнинг дунёвий каш-фиётлари ва Берунийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари, Форобийнинг адолатли жамият ва Ибн Синонинг дуализм таълимоти, Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари, асримиз бошидаги маърифатпарвар зиёлилар фаолияти ҳам миллий фоя ва истиқлол мафкурасининг теран томирлариdir.

Истиқлол мафкурасининг фалсафаси, унинг маъно-мазмуни, асосий фоя ва тамойиллари миллий давлатчилигимизни қайта тиклаб, жамияти-мизнинг тараққиёт йўлини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берган Ислом Каримов асарларида чукур ифодасини топган. Уларда мамла-катимизнинг ривожланиш йўли, унинг ўзига хос хусусият ва қонуниятларининг амалга ошиш ди-алектикаси илмий нуқтаи назардан аниқ белги-лаб берилган.

Миллий истиқлол мафкурасининг фалсафий асоси, шунингдек, қадимги шарқ, юонон, рим ва бошқа фалсафа мактабларининг меросига ҳам таянади.

Хусусан, Сократ, Платон, Аристотель сингари мутафаккирларнинг асрлар давомида ўз қадр-қимматини йўқотмай келаётган фикрлари, жаҳон фалсафасининг ўрга асрлар ва янги замондаги на-мояндалари қарашлари ҳам миллий истиқлол мафкураси тамойилларини асослаш ва бойитиш, уларга ҳаётий руҳ бағишлилашда муҳим аҳамият касб этади. Конфуцийнинг фалсафий ҳикматлари, Пла-

тоннинг “Фоялар дунёси ва соялар дунёси” түғри-
сидаги таълимоти, Гегель диалектикаси, гуманист-
тик замонавий фалсафий оқимлар илгари суроёт-
ган фоялар ҳам миллий истиқлол мафкурасининг
умумисоний асосларидир.

3. Миллий ва умумисоний тамойиллари

Истиқлол мафкураси халқимизнинг табиати,
иродаси, орзу-интилишларини ифодалайдиган
куйидаги **миллий ҳусусиятларни** замон талабла-
ри асосида янада бойитишни назарда тутади:

- халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа
бўлиб яшаш руҳининг устунолиги;
- жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-
юорт тушунчаларининг муқаддаслиги;
- ота-она, маҳалла-кўй, умуман жамоатга
юксак ҳурмат-эътибор;
- миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига
муҳаббат;
- каттага — ҳурмат ва кичикка — иззат;
- меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт
абадийлитининг рамзи — аёл зотига эҳтиром;
- сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;
- ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо.

Истиқлол мафкураси куйидаги **умумбашарий қадриятларни** эътироф этади ва улардан озиқ-
ланади:

- қонун устуворлиги;
- инсон ҳақ-хукуқлари ва ҳурфикрлилик;
- турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар
билин баҳамжиҳат яшаш;
- диний бағрикенглик;

- дунёвий билимларга интилиш, маърифат-парварлик;
- ўзга халқларнинг илфор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш ва ҳоказо.

4. Ижтимоий-иқтисодий асослари

Миллий истиқлол мағкураси, ўз моҳиятига кўра, ҳар бир оила ва фуқаронинг муносаб турмуш даражасини таъминлайдиган фаровон ҳаётга эришишга чорлайди. Ҳар бир инсонни, у қайси шаклдаги мулкчилик асосида меҳнат фаолияти билан шуғулланмасин, шахсий манфаатларини халқ ва Ватан манфаати билан ўзаро уйғунлаштириб яшашга ундейди.

Мулкдор одамнинг жамият ичида, халқ орасида фақат бойлиги билан эмас, балки юксак маънавий фазилатлари билан ҳам ажralиб туриши зарурлиги, шахсий ва оиласий фаровонликка эришиш имконияти ҳар кимнинг ўз қўлида деган ҳаёт ҳақиқатини замонавий дунёқараш сифатида шакллантиради. “Ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги — бутун жамиятнинг фаровонлигидир” гоясини илгари суради.

5. Миллий истиқлол мағкурасининг бош гояси

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош гояси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу гоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди. Ҳар

бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади.

Миллий истиқлол мафкурасининг бош фоясида озодлик тушунчасининг устувор ва етакчи ўринда туриши Ватан мустақиллиги барча орзу-интилишларимиз, амалий фаолиятимиз ва ёруғ кела-жагимизнинг асоси эканидан далолат беради.

6. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий фоялари

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий фоялари халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош фоясидан келиб чиқади ва ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни халқимизнинг қалби ва онтига янада чукурроқ сингдиришга хизмат қиласи.

Ватан равнақи

Ватан — инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига маъномазмун бахш этадиган табаррук маскандир. У аждодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан — ота-боболаримизнинг хоки поклари жо бўлган, вақти-соати етиб ҳар биримиз бош кўядиган муқаддас заминдир.

Ватани бор одамнинг фурур-ифтихори юксак, мақсад-муддаолари аниқ бўлади. Тоғдек таянчи — Ватани борлигини ҳис этган инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовларига доимо тайёр туради.

Ватаннинг равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдоши-

МИЗНИ ЎЗИННИГ МАЬНАВИЙ КАМОЛОТИ УЧУН ЮКСАК МАСЬУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИШГА, ЎЗ МАНФААТЛАРИНИ ШУ ЙОРТ, ШУ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ БИЛАН УЙГУНЛАШТИРИБ ЯШАШГА ДАЪВАТ ЭТАДИ.

МИЛЛИЙ ФОЯ ҲЕЧ ҚАЧОН ВАТАНДАН ТАШҚАРИДА ИЛДИЗ ОТМАЙДИ ВА РИВОЖЛАНМАЙДИ. ВАТАННИНГ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛМАЙДИГАН ФОЯ ҲЕЧ ҚАЧОН МИЛЛИЙ ФОЯ БҮЛЛОЛМАЙДИ. У ВАТАН РАВНАҚИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРАДИГАН ТАМОЙИЛЛАРНИ ЎЗИДА АКС ЭТТИРСАГИНА КУЧ-КУДРАТ МАНБАИГА АЙЛАНАДИ.

БУГУНГИ КУНДА ЖАМИЯТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК, ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ КЕНГ РИВОЖЛНАЁТГАНИ, ДАВЛАТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИ ОРТАЁТГАНИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЬНАВИЯТИ БОЙИБ, ИЛМ-ЗИЁ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛАЁТГАНИ ВАТАН РАВНАҚИНИНГ АСОСИ БҮЛЛАДИ.

БУ ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИНИНГ УСТУВОР ХУСУСИЯТИ — ХАЛҚИМИЗНИНГ БУНЁДКОРЛИК ФАОЛИЯТИДИР. БУНДА АНА ШУ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ ТЎЛА ЮЗАГА ЧИҚАРИШ, ИҚТИСОДИЁТНИ ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ЁШЛАРИМИЗНИ СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ

ЮРТ ТИНЧЛИГИ — БЕБАҲО НЕҶМАТ, УЛУҒ САОДАТДИР. БАШАРИЯТ ЎЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БАРЧА БОСҚИЧЛАРИДА, АВВАЛО, ТИНЧЛИК-ТОГУВЛИККА ИНТИЛИБ КЕЛГАН. ЮРТ ТИНЧЛИГИ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ТИНЧЛИКНИ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ, УНИ ЎЗ ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ, МАҚСАД-МУДДАОЛАРИ РЁЁБГА ЧИҚИШИНИНГ КАФОЛАТИ ДЕБ БИЛАДИ. ШУ-

нинг учун доимо Яратгандан тинчлик ва омондик тилайди.

Лекин, афсуски, ҳаётда бу эзгу тилакларнинг ижобат бўлишига доимо қаршилик қиласидиган кучлар ҳам бор. Улар ўзларининг фаразли мақсадлари, нафс балоси йўлида башариятни ҳамиша низо-адоват, уруш ва қирғинлар домига тортиб келади.

Инсоният тарихига назар ташласак, кейинги беш минг йил мобайнида одамзот ўн беш мингдан зиёд катта-кичик урушларни бошдан кечирганини кўрамиз. Бу — уруш ва тинчлик, хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳанузгача инсоният олдидаги энг оламшумул муаммо бўлиб қолаётганидан далолатдир.

Ҳолбуки, башарият фақат тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маънавий юксакликка кўтарилади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек Мовароуннахрга ҳукмронлик қилган қирқ йил мобайнида мамлакатда тинчлик-барқарорлик устувор бўлгани сабабли илм-фан, маданият юксак тараққий этган, бунёдкорлик ишлари ривожланган, кўхна заминимиз гуллабяшнаган.

Аксинча, уруш ва низолар инсонни одамийлик қиёфасидан айиради, жамиятни буткул та-наззул ботқогига ботиради. Йигирма йилдан буён ўзаро ҳарбий можаролар туфайли цивилизациядан батамом узилиб, дунёning энг қолоқ мамлакатларидан бирига айланиб қолган Афғонистон — бунинг яққол далили.

Бу мамлакат ҳудудининг хавф-хатар ўчогига айланниб қолгани юртимиздаги тинчлик ва барқарорликка, тараққиёт йўлидаги эзгу мақсадларимизни амалга оширишга халақит бермоқда. Бу — дунёда ялпи тинчлик ва барқарорликка эришиш учун, аввало, ҳар бир мамлакат ва ҳар бир минтақада тинчлик-барқарорликни таъминлаш зарур, деган қарашнинг бугунги кунда фоятда долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан далолат беради.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида ноқ биз юрт тинчлигини энг асосий бойлик сифатида асраб келмоқдамиз. Бугунги ва кейинги насллар ҳам кўп меҳнат ва мащаққатлар эвазига кўлга киритилган мана шу бебаҳо неъматни асраб-авайлаши зарур. Шундагина улар халқимизнинг асл орзу-интилишларига, истиқлол йўлида жон фидо этган аждодларимиз руҳига муносиб бўла олади.

Юрт тинчлиги — Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бирорвга қарам бўлган халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик ва тинчликни асраш, мамлакатимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим.

Юксак маънавият, сиёсий маданият, миллатнинг гоявий ва мафкуравий етуклиги — юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим омилидир. Халқимиз учун азал-азалдан муқаддас бўлган бу фоя жамиятдаги турлича фикр ва қарашга эга бўлган барча куч ва ҳаракатларни бирлаштиришга ва шу орқали миллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Халқ фаровонлиги

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий мақсади — халқимизга муносиб турмуш шароити яратишдан иборат. Яъни ислоҳот — ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак. Жамиятимиздаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш моҳиятида ана шу эзгу мақсад мужассамдир.

Бу ҳақиқатни одамлар онгига сингдириш, кенг аҳоли қатламларининг ислоҳотлар моҳиятини англаб етишига ва унинг фаол иштирокчисига айланишига эришиш зарур. Бунинг учун эса уларнинг дунёқарашини, ҳаётга, меҳнатга, ерга муносабатини тубдан ўзгартириш мухим аҳамият касб этади. Чунки фаровон турмуш асоси — эркинлик, тадбиркорлик ва ташаббускорликдир.

Шунинг учун халқимизда мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш, хўжалик юритишнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, ўз кучига ишонч туйғуларини камол топтириш миллий мафкурамиз вазифаларига киради.

Табиий бойликлар, ер ресурслари, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжларини қондириш, ўзлигини намоён этиш ва бунёдкорлик қобилиятини рўёбга чиқаришнинг асосий заминидир.

Ўзбекистон халқидек меҳнаткаш, миришкор, ишнинг кўзини биладиган халқ ўз турмушини ўз кўли билан фаровон қилишга қодир. Миллий истиқлол мафкураси моҳият эътибори билан фуқароларимизда ҳар қайси инсон ва оила бадавлат бўлса, жамият ва давлат ҳам кучли ва қудрат-

ли бўлади, деган тушунчани тарбиялашга хизмат қилмоғи лозим.

Комил инсон

Комил инсон ғояси — ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятта эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундаидиган олижаноб ғоядир.

Бу ғоя нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун ҳалқларни юксак тараққиёт сари етакланган, уларни маънавият ва маърифат бобида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилимаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайфурмаган ҳалқнинг, миллиятнинг келажаги йўқ. Бундай ҳалқ ва миллият таназзулга маҳкум.

Комил инсон ғояси азал-азалдан ҳалқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. У ислом фалсафасидан озиқланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. Баркамол инсон ҳақидаги юксак ғоялар Абу Наср Форобий ва Алишер Навоий каби мутафаккирларимизнинг асарларида, айниқса, теран ифода топган.

Ҳазрат Навоийнинг “Камол эт касбким, олам уйидин Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ, Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ, Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ” деган фикрлари ҳар бир инсон комилликни ўзига шиор қилиб олиши зарурлигини англагади.

Эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу ғоялар ҳаётий эътиқоди бўлган ин-

сонларгина бунёд эта олади. Шунинг учун янги-лангаёттан жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали баркамол инсонларни вояга етказишга муҳим эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда Соғлом авлод ҳаракатининг кенг тус олгани, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улуғвор мақсадни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамлардир.

Ижтимоий ҳамкорлик

Инсоният XX асрда амалга ошираётган энг муҳим ғоялардан бири — жамиятдаги турли тоифалар, сиёсий кучлар ва партиялар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликдир.

Ижтимоий ҳамкорлик — муроса фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гурӯҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайди. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади.

Жамиятни сунъий равишда бўлиб, турли қарама-қаршиликларни мутлақлаштирадиган таълимотлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий ҳамкорлик ғояси бу табиий ранг-барангликни миллий тараққиёт манфаатларига бўйсундиради.

Бу қандай шаклларда амалга оширилади?

Биринчидан, жамиятнинг энг устувор мақсад ва манфаатларини ўзида мужассам этадиган ил-

ФОР ФОЯЛАР МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ КУЧГА АЙЛАНАДИ.

Иккинчидан, жамиятдаги ҳар бир ижтимоий тоифа ёки гурӯҳ ўзининг дастурий мақсадлари ва амалий фаолиятини ана шу фоялар билан уй-фунлаштириши миллий тараққиётнинг заруратига айланади.

Учинчидан, ҳар бир шахс, ижтимоий мавқеи, дунёқараси ва эътиқодидан қатыи назар, жамиятнинг устувор мақсад ва манфаатларини акс эттирадиган миллий фояларнинг амалга ошиши учун ўзини масъул деб билиши бу жараённинг асосий тамойили ҳисобланади.

Ижтимоий ҳамкорлик масаласини атрофлича ўргангандай аксарият Farb мамлакатларида унинг тামойиллари жамият ҳаётига оқилона татбиқ этилиб, тараққиётнинг барча соҳаларида салмоқли натижалар бермоқда.

Аҳолининг турли қатламлари орасидаги муносабатлар ва ўзаро ҳамкорликни яхшилаш жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга замин яратади. Аксинча, ана шу ҳамкорликнинг изданчиқиши ёки муносабатларнинг ёмонлашуви бу барқарорликнинг бузилишига олиб келади, ижтимоий беқарорлик, сиёсий бошбошдоқлик ва миллий парокандаликни келтириб чиқаради.

Бинобарин, ижтимоий ҳамкорликни йўлга кўйиш ва ривожлантириш ҳамманинг, биринчи галда, давлат ва жамоат ташкилотлари, жамиятнинг илгор вакиллари бўлган зиёлилар зиммасига катта масъулият юклайди.

Жамиятимиздаги ижтимоий ҳамкорлик муҳитига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай

дай хавф-хатарнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш керак.

Миллатлараро тотувлик

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Ҳар бир миллат — Яратганинг мўъжизасидир. Бу — оламдаги табиий ранг-баранглик билан жамиятдаги миллий ўзига хослик диалектикасини ифодалайди.

Миллатлараро тотувлик фояси — умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиласидиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бу фоя — бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир.

Бу фоя — ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади.

Муайян мамлакатга ном берган (титул) миллат билан унда яшайдиган бошқа халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан биридир. Аксинча, бу фоянинг аҳамиятини тушуниб етмаслик жамият

ҳаётини, тинчлик ва барқарорликни издан чиқариши мумкин.

Миллатлараро ҳамжиҳатликка рахна солувчи иллат, бу — тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай заарали ғоялар таъсирига тушган жамият ҳалокатта юз тутиши муқаррар. XX асрда Европа халқларини асоратта соглан ва айрим давлатларнинг таназзулига сабаб бўлган фашизм ғояси бунга яққол мисол бўлади.

Ўзбекистон худудида қадим-қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келади. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади.

Шу боис, бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган миллатларни ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш истиқтол мафкурасининг асосий мақсадларидан биридир. У халқимизга хос бўлган олижаноблик ва инсонпарварлик фазилатларига асосланади.

Динлараро бағрикенглик (толерантлик)

Динлараро бағрикенглик ғояси — хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Қадим-қадимдан дин аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келади. Миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани ҳам диннинг ана шу табиати билан боғлиқ.

Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, яхшилик, тинчлик, дўстлик

каби фазилатларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликтан даъват этади.

Ҳозирги замонда бу фоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутади, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Азал-азалдан диёромизда ислом, насронийлик, иудаизм каби динлар ёнма-ён яшаб келган. Асрлар давомида йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдифидир. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмагани ҳалқимизнинг динлароро бағрикенглик борасида катта тажриба тўплаганидан далолат беради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ўндан зиёд конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириши ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳукуқий асослар Ўзбекистон Конституциясида, “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, улуғ ва муштарак фоялар йўлида ҳаракат қилиши учун имкон яратади.

V. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИ ВА ОНГИГА СИНГДИРИШ

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегиясини, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаоларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка ҳар томонлама тушунтириш долзарб вазифалардан биридир.

Истиқлол мафкурасини одамлар қалби ва онгига сингдиришда жамият ҳайтининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.

Таълим ва тарбия. Миллий истиқлол мафкурасини ёшлиар қалби ва онгига сингдириш таълим-тарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилади.

Бунда қўйидаги вазифаларни назарда тутиш лозим:

- таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол мафкурасини сингдиришнинг дифференциал педагогик-психологик дастурини яратиш;

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-талабалар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;

— ўкув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мафкураси фояларини теран акс эттириш;

— мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш;

— педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш.

Фан ва илмий муассасалар миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда муҳим ўрин тулади. Бу борада қўйидаги масалаларга асосий эътибор қаратиш зарур:

— аҳолининг ижтимоий хусусиятларини (маълумоти, ёши, жинси, касби ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда, миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришнинг самарали йўлларини кенг кўламда илмий тадқиқ этиш;

— миллий истиқлол мафкурасининг миллий, умуминсоний, фалсафий, диний, хукукий, сиёсий, социологик, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-психологик асосларини, урф-одатлар, анъаналар ва интеллектуал қадриятларнинг мафкурани шакллантириш ва бойитишдаги ўрни ва таъсирига бағишлиланган тадқиқот ишларини мунтазам олиб бориш;

— мафкуралар курашининг жаҳоншумул жараёнини ўрганиш, унинг мониторинги, бу курашининг умумбашарий ва минтақавий муаммоларини аниқлаш;

— мафкуравий таҳдидлар ва уларга қарши курашининг самарали йўллари ҳақида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Маданият ва маданий-маърифий муассасалар мафкурани шакллантириш ва халқимиз онгига сингдиришда катта имкониятларга эга. Бунда кутубхона, театр, клублар, маданият уйлари ва саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа муассасалар фаолиятидан кенг фойдаланиш, кишилар дунёқарашини юксалтирадиган, одамларга руҳий-маънавий озиқ берадиган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш лозим.

Бу даргоҳларда турли анжуманлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар, учрашувлар уюштириш, миллий истиқдол мафкурасининг мазмунмоҳиятини ҳар бир ижтимоий қатламга тушунарли тарзда изоҳлаб берадиган қўлланма ва тавсиялар тайёрлаш айниқса муҳим.

Маданий-маърифий муассасалар ёшларни ҳақиқий санъат, чинакам бадиий гўзаллик руҳидатарбиялаш масканлари бўлмоги лозим.

Маданият ва санъат соҳалари фаолиятининг бутунлай тижорат асосида ташкил этилишига, ғоявий-бадиий жиҳатдан саёз, миллий қадриятларимизга ёт асарларнинг етакчи ўринни эгаллаб олишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга.

Адабиёт ва санъат. Бу соҳада ижод ахлининг ғоявий-бадиий салоҳиятини комил инсон тарбиясига йўналтириш устувор йўналиш бўлиши даркор.

Ижодкорларни мураккаб ва шонли тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини, бугунги ҳаёт воқелигини, олижаноб орзу-умидларимизни акс эттирадиган адабиёт, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари яратишга ҳар томонлама рағбатланти-

риш. Ёшларга ибрат бўладиган баркамол инсонлар, замонавий қаҳрамонлар тимсолини яратиш.

Миллий гояни тараннум этишга, истиқлол мафкурасига зид фояларнинг заарли моҳиятини очиб беришга айниқса эътиборни кучайтириш зарур. Ҳаёт ва ижоддаги маҳдудлик ҳамда фикр қашшоқлигига қарши курашиш, баҳс-мунозара, танқид ва таҳлиллар орқали мафкуравий муҳитнинг соғлом бўлишига эришиш.

Дин. Энг нозик ва мураккаб бўлган бу соҳада, аввало, дин маънавият ва маданиятнинг устунларидан бири эканини, барча замонларда миллий гоя ва мафкура диний қарашлар билан уйғун ривожланишини назарда тутиш лозим. Дин ўз моҳиятига кўра поклик, меҳр-оқибат каби эзгу туйғулар орқали миллий истиқлол мафкурасининг фояларини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдиради. Муқаддас дийнимизга соғлом ва мўътадил муносабатни шакллантириш — бу борадаги энг муҳим мафкуравий вазифадир.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси инсоннинг нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишида ҳам улкан омилдир. Спорт иродани тоблайди, одамни аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбida ғалабага ишонч, фуур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.

Ватан, ҳалқ шуҳратини дунёга тараннум этишда, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда спортнинг ўрни бекиёсdir.

Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган ҳалқ албатта ўзининг буюк келажагини барпо этади. Шунинг учун жисмоний тарбия ва

спортнинг оммавийлигини таъминлаш, уни ривожлантириш баркамол шахсни тарбиялашнинг муҳим шартидир.

Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган урфодат, маросим ва байрамлар ҳам миллий мағкурунинг асосий ғояларини сингдиришда муҳим омил бўлади. Хусусан, Мустақиллик, Наврӯз, Ўқитувчилар ва мураббийлар, Хотира ва қадрлаш куни каби янги байрам ва маросимларимиздан жамият ҳаётига замонавий мазмун бахш этиш йўлида оқилона фойдаланиш зарур.

Бугунги кунда урфодат ва анъаналаримизнинг жамиятни бирлаштирувчи хусусиятларидан янада тўлиқроқ фойдаланиш лозим.

Миллий анъаналарни ўрганиш, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй-маъракаларни, одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофгарчиллик ва дабдабозликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Оила. Оила — мағкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила — жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мағкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Оиладаги соғлом муҳит — соғлом мағкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлигини, ўзаро хурмат ва аҳилликни таъминлаш — миллий мағкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади.

Маҳалла. Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянгандан ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлити мисолида кишилар онтига эзгулик фоялари сингдириб борилади.

Маҳалла — аввало, соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатлариниadolat ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳаллани демократия дарсхонаси, деб ҳам аташ мумкин.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни бекиёс.

Меҳнат жамоалари инсон умрининг асосий қисми ўтадиган, унинг тафаккури, ҳаётга муносабати шаклланадиган ижтимоий-маънавий муҳитdir. Улар кишида жамоа руҳи, меҳнатсеварлик, омилкорлик,adolat тушунчаси, меҳр-оқибат туйғуларини тарбиялайдиган ўзига хос маскан бўлиб ҳисобланади.

Меҳнат жамоалари турли миллат ва динга мансуб одамларни дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга ўргатади. Бу эса ўз навбатида соғлом маъ-

навий мұхитни вужудға келтиришда мұхым омил вазифасини бажаради.

Сиёсий партиялар ўз фаолияти билан фикрлар ранг-баранглігі ва қарашлар хилма-хиллигіга асосланған демократик жамият барпо этиш ғоясининг амалға ошишига хизмат қылади.

Ўзбекистондаги ҳар бир партия ўз дастурий қараш ва мақсадларини рүёбга чиқариш учун барча ҳукукий асос ва қонуний кафолатларга эга.

Ҳар бир партияның ўз дастурий ғояларини ҳаётта табиқ этиш жараёнида миллій истиқбол мағкурасининг асосий тамойилларига амал қылыши сиёсий ҳаётнинг бош мезонидир. Чунки халқ манфаатлари, истиқбол ғоялари, қайси сиёсий ва мағкуравий күнта мансублигидан қатын на зар, барча юртдошларимиз учун муқаддасдир.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаолият күрсатаётган нодавлат ташкилотлар мағкуравий жараёнларда ҳам фаол иштирок этиши лозим.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашы бу борадаги амалий ишларни мувофиқлаштириб бориши, Инсон ҳукуқлари миллій маркази, Маърифатпарварлар жамияти, Оила маркази, Файлласуфлар миллій жамияти, Ижтимоий фикр маркази каби ташкилотлар ўз фаолиятини миллій истиқбол мағкураси билан уйғун ҳолда ташкил этиши мақсадта мувофиқдир.

Шунингдек, миллій ғоя ва миллій истиқбол мағкурасини жорий этиште моддий, ташкилий ва маърифий жиҳатдан күмак берадиган “Софлом авлод”, “Камолот”, “Умид”, “Улугбек”, “Олтин мерос”, “Амир Темур”, “Имом Бухорий”, “Устоз”, “Маҳалла” жамғармалари ва бошқа жамо-

ат ташкилотлари имкониятларидан фойдаланишга жицдий эътибор қаратиш зарур.

Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқбол мағкурасини халқымиз, аввало, ёш авлод онгига сингдиришида алоҳида ўрин тутади. Улар маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёни, бу борадаги муаммоларни, жамият ҳаётининг турли қирралари-ни тезкорлик билан акс эттирадиган энг самарали воситадир. “Тўргинчи ҳокимият” ҳисобланган оммавий ахборот воситалари турли хил фикрлар, ранг-баранг қараш ва ёндашувларга кенг йўл очиб бериши, ҳаётимизда юз берабётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиши, холислик ва ҳаққоният тамойилларига таяниб фаолият юритиши лозим.

ХУЛОСА

Миллий истиқлол мафкураси дунё ҳамжами-
ятидан муносиб ўрин эгаллаб бораётган мамла-
катимиз халқининг истиқлол йилларида орттири-
ган тажрибалари, босиб ўтган мураккаб йўли,
миллий тафаккури ва маънавиятидаги юксалиш-
ларнинг мантиқий натижаси, халқ иродасининг
мужассам ифодаси сифатида шаклланади.

Бу — узоқ давом этадиган жараён. Миллий
истиқлол мафкураси халқнинг, жамиятнинг ўз
олдига қўйган эзгу мақсад-муддаолари амалга
оша боргани, тараққиёт тажрибалари ортгани
сари бойиб, такомиллашаверади.

Истиқлол мафкурасининг илфор фоялари асо-
сида ҳар бир авлод дунёга ўз сўзини айтади, та-
рихимиз китобида ўзининг шонли саҳифасини
яратади.

Бу мафкура эркин фуқаролик жамияти, фа-
ровон ҳаёт барпо этишга азму қарор қилган, бу
йўлда событқадамлик билан олга бораётган халқ
мафкурасидир. У ҳаётбахш кучи, жозибаси би-
лан жамиятнинг барча қатламлари қалби ва си-
гига таъсир этади.

Мафкура — инсон рухияти, тафаккур 3 ду-
нёқарашини ўзгартирадиган кучли восита. Унин
фоялари халқнинг ишонч-эътиқоди, интилиш за-

манфаатлари ифодасига айлансагина етарлича самара беради. Шунинг учун ҳам мафкура соҳасидаги тарғибот ва ташвиқот ишларини, фуқароларнинг тушунчаси, ақл-идроқи ва тафаккур даражасини инобатга олган ҳолда, сабр-тоқат билан, маърифий йўл ва усуслар орқали амалга ошириш тақозо этилади.

Бу борада кампаниябозлик, кимўзарга мусобақа уюштириш, маъмурий тазийқ ўтказиш усулни кутилган натижани бермайди. Айниқса, миллий истиқлол мафкураси юқоридан туриб жорий этилиши ёки бирон-бир партия, ҳаракат ва гурух кўлида сиёсий қуролга айланиши мумкин эмас.

Миллий истиқлол мафкураси ўз моҳият эътиборига кўра, жамият ҳаётининг маънавий мезони бўлиб, тафаккур ўзгариши, одамлар онгида янгича дунёқарашнинг шаклланиши ва ижтимоий фикр ривожи учун дастуриламал бўлиб хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1998 йил.
2. Куръони карим. Тошкент, "Чўлпон" нашриёти, 1993 йил.
3. *Ином Бухорий*. "Ҳадис". 4 жилдлик. Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1992 йил.
4. *Ином Термизий*. "Саҳиҳи Термизий". Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1993 йил.
5. *Абу Наср Форобий*. "Фозил одамлар шаҳри". Тошкент, Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 йил.
6. *Абу Райҳон Беруний*. "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар". Тошкент, 1968 йил.
7. *Амир Темур*. "Темур тузуклари". Тошкент, Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996 йил.
8. *Мирзо Улугбек*. "Тўрт улус тарихи". Тошкент, 1996 йил.
9. *Алишер Навоий*. "Маҳбуб ул-қулуб". Тошкент, 1987 йил.
10. *Низомиддин Шомий*. "Зафарнома". Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1996 йил.
11. *Захирiddин Мұхаммад Бобур*. "Бобурнома". Тошкент, "Чўлпон" нашриёти, 1989 йил.
12. *Абдулла Авлоний*. "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ". Тошкент, "Шарқ" нашриёти, 1994 йил.
13. *Маҳмудхўжа Беҳбудий*. Танланган асарлар. Тошкент, "Маънавият" нашриёти, 2000 йил.
14. *Ислом Каримов*. "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура", 1-жилд, Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1996 йил.
15. *Ислом Каримов*. "Биздан озод ва обод Ватан қолсин". 2-жилд, Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1996 йил.

16. *Ислом Каримов*. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”. 3-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 йил.
17. *Ислом Каримов*. “Бунёдкорлик йўлидан”. 4-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 йил.
18. *Ислом Каримов*. “Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби”. 5-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1997 йил.
19. *Ислом Каримов*. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1997 йил.
20. *Ислом Каримов*. “Маънавий юксалиш йўлида”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 йил.
21. *Ислом Каримов*. “Жамиятимиз мағкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин”. “Тафқур” журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар. 1998 йил, 2-сон.
22. *Ислом Каримов*. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. “Мулоқот” журнали, 1998 йил, 5-сон.
23. *Ислом Каримов*. “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан”. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 йил.
24. *Ислом Каримов*. “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз”. 7-жилд. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 йил.
25. *Ислом Каримов*. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз”. 8-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2000 йил.
26. *Ислом Каримов*. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 йил.
27. *Ислом Каримов*. “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 йил.
28. *Ислом Каримов*. “Миллий истиқлол мағкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир”: “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавоблар. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2000 йил.
29. БМТнинг Инсон хукуqlари декларацияси. // “Инсон хукуqlари: ўқув қўлланмаси”. Тошкент, “Адолат” нашриёти, 1998 йил.

30. "Баркамол авлод орзуси". Тошкент, "Шарқ" нашриёти, 1999 йил.
31. "Соғлом авлод — бизнинг келажагимиз". Тошкент, Ибн Сино номидаги нашриёт, 2000 йил.
32. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1997 йил.
33. "Маънавият юлдузлари". Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги нашриёт, 1999 йил.
34. "Алпомиш: Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони". Тошкент, "Шарқ" нашриёти, 1998 йил.
35. "Жалолиддин Мангуберди". Тошкент, "Шарқ" нашриёти, 1999 йил.
36. "Қалтис саволларга холис жавоблар". (Дин ва дунёвий муаммоларга доир) "Тафаккур" журнали, 1999 йил. 3-сон.
37. "Халқ, миллий мағкура ва зиёли масъулияти". "Тафаккур" журнали, 1999 йил. 2-сон.
38. "Геополитика и мировое развитие". Москва, 1995 йил.
39. Гегель. "Философия права". Москва, "Мысль" нашриёти, 1997 йил.
40. Конфуций. "Уроки мудрости". Москва, "Наука", 1998 йил.
41. Н. Тойнби. "Постижение истории". Москва, "Наука", 1992 йил.
42. А. Шопенгауэр. "Свобода воли и нравственность". Москва, "Республика" нашриёти, 1992 йил.
43. К. Ясперс. "Смысль и назначение истории". Москва. "Политиздат" нашриёти, 1991 йил.
44. З. Фрейд. "Введение в психоанализ". Москва, 1991 йил.

МУНДАРИЖА

Сўз боши 5

I. Миллий ғоя ва мафкуралар тарихидан

1. Ғоя ва мафкура тушунчаларининг мазмун-моҳияти. 9
2. Тарихий шакллари ва кўринишлари. 11
3. Халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири. 14
4. Фалсафий, дунёвий ва диний илдизлари 16
5. Фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги 19
6. Инсоният тарихида мафкурадан кўзланган мақсадлар. 20

II. Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш

1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. 22
2. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви. 23
3. Геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат. 24
4. Жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар. 24
5. Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар. 25

III. Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар

1. Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз? 28
2. Тараққиётнинг ўзбек модели. 36
3. Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи. 38
4. Мафкуравий муаммолар: ғоявий бўшлиқ ва заарли ғояларнинг жамиятимизга таъсири. 39

IV. Миллий истиқлол мафкураси

1. Моҳият-мазмуни. 43
2. Тарихий ва фалсафий асослари. 47

3. Миллий ва умуминсоний тамойиллари.	49
4. Ижтимоий-иктисодий асослари.	50
5. Миллий мафкурамизнинг бош фояси.	50
6. Мафкурамизнинг асосий фоялари:	
а) Ватан равнақи	51
б) Юрт тинчлиги	52
в) Халқ фаровонлиги	55
г) Комил инсон	56
д) Ижтимоий ҳамкорлик	57
ж) Миллатларо тотувлик	59
з) Динларо бағрикенглик (толерантлик).	60

**V. Миллий истиқбол мафкурасини халқимиз қалби
ва онгига сингдириш**

1. Таълим ва тарбия.	62
2. Фан ва илмий муассасалар	63
3. Маданият ва маданий-маърифий муассасалар	64
4. Адабиёт ва санъат.	64
5. Дин.	65
6. Жисмоний тарбия ва спорт.	65
7. Урф-одат, маросим ва байрамлар.	66
7. Оила.	66
8. Маҳалла.	67
9. Меҳнат жамоалари.	67
10. Сиёсий партиялар.	68
11. Нодавлат ташкилотлари.	68
12. Оммавий ахборот воситалари.	69
Хулоса	70

Мұхтарам ўқувчи!

Күлингиздаги “Миллий истиқолол гояси: асосий тұшунча ва тамойиллар” рисоласи мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, олим ва мутахассислар, шунингдек, бошқа тағым-тарбия, маданий-мағрифий муассасалар ходимларига маңруза ва сұхбат матнлари, дарслик ва құлланмалар тайёрлаш, дастурлар тузиши учун асосий манба сифатида тавсия этилмоқда.

Мазкур рисола Президент Ислом Каримовнинг асарлари, маңруза ва нұтқлари, чиқишларидаги маңнавий-мағрифий мавзуда билдирган фикрлари асосида тузилған.

Үнда миллий гоя ва мағкура түшүнчалари, уларнинг халқлар ва давлатлар тарихига таъсирі, глобаллашув жараёнлари кечеёттеган ҳозирги шароитда мағкуравий сиёсатнинг ўрни, Ўзбекистоннинг миллий истиқолол гояси, унинг асосий тамойилларини халқимиз, аввало, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш каби масалалар мұхтасар тарзда баён этилған.

Ушбу рисолада миллий истиқолол гоясининг барча илмий-назарий муаммоларини батағсил ёритиш мақсади қўйилмаган. Бинобарин, мазкур масалаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларнинг маъно-мазмунини кенг очиб бериш, бу борада илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бориши, маҳсус дарслик ва құлланмалар яратиш — ижтимоий фан соҳаси мутахассисларининг вазифасидир.

Рисола Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг ишчи гуруҳи томонидан тайёрланди.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ФОЯСИ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР

Нашр учун масъул К. БҮРОНОВ
Рассом Т. ҚАНОАТОВ

Техник мұхаррир У. КИМ

Мусаққың Ш. МАҚСУДОВА

Компьютерда тайёрловчى А. СОЛИХОВ

Теришга берилди 6.11.2000. Босишига рухсат этилди 16.03.2001.
Қоғоз формати $84 \times 108^1/_{32}$. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма т. 4,2. Нашр босма т. 2,86. Кўшимча тираж 35000.
Буюртма № 51.

“Ўзбекистон” нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.
Нашр № 7-2001.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
1-босмахонасида босилди.
700002. Тошкент, Саброн кўчаси, 1-боши берк кўча, 2.

**Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамой-
иллар. — Т.: “Ўзбекистон”, 2001. — 80 б.**

ББК 66.3(5У)